



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 135 (10.440) 2005 ЙИЛ 13 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

- **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида битирувчи талабаларга дипломлар топширилди.
- **«КАМОЛОТ»** ЕИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан туманда «Уй ҳамшираси» деб номланган тайёрлов курси фаолият бошлади.
- **«МАХАЛЛА»** жамғармаси ташаббуси билан шаҳримиз маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида семинар уюштирилди.
- **МАРКАЗИЙ** Осиё экологик минтақавий маркази ташаббуси билан мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун экологик қўлланма яратилди. Тез кунларда ушбу қўлланма амалиётга татиқ этилади.
- **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда ўтказилган «Очиқ эшиклар кўни» тадбири Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларидан уюштирилди.
- **«ГРИНВОРЛД»** қўшма корхонаси хизматчиларидан бир гуруҳи Россия, Германия мамлакатларида малака ошириб Тошкентга қайтиб келди.
- **БУГУН** Абдурахим Шерматов маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Исломи динида сihat-саломатлик маданиятининг моддий, жисмоний ва маънавий асослари» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Пойтахтимиз аҳолиси дастурхонини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш борасида «Сағбон нон» акциядорлик жамияти новвоиларининг хизматлари катта.



СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотлари; корхона ишчиси Нигора Мирамينو ва маҳсулотни савдо шохбчаларига юборишга тайёрламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги қонунлар лойиҳалари тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Мўминов ахборот берди. Мазкур ҳужжатлар юзасидан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Депутатлар муҳокама жараёнида тушган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН — МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ ЖАВОБИ ТОПИЛАМАЁТГАН САВОЛЛАР

Дарҳақиқат, сиёсатга қизиқмасликнинг иложи йўқ экан. Газетага ҳеч қачон мақола ёзмаганман, тўғриси айтсам, ҳар доим бунинг фойдаси йўқ — менинг, яъни оддий одамнинг фикри кимга ҳам керак, деб ўйлардим. Лекин бу гал чидаб тура олмадим, ёзишга қарор қилдим, чунки ортиқ жим туриб бўлмайди. Кўни кеча Лондонда содир этилган портлашлар, улар қанчалик дахшатли бўлмасин, балки охир-оқибатда, ўзим яшаётган мамлакатдан, уйим, оиламдан йироқда, дунёнинг бирон-бир бурчагида террорчилик мавжуд, лекин бунинг шахсан менга ҳеч қандай дахли йўқ, деб ҳисоблаган ва ҳисоблайдиган айрим Ғарб сиёсатчиларининг кўзини очиши керак, деб ўйлайман. Энди улар ушбу масалага икки хил стандарт мезони бўйича ёндашиладиган бўлса, бутун дунёда одамларнинг ҳаёти хавф остида қолишини тушуниб етсалар, ажаб эмас.

Очигини айтсам, аслида ўтган ҳафта, Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқини ўқиганимдан кейин қўлимга қалам олмақчи эдим. Билмадим — кимга қанақа, лекин бу нутқ менга ёқди. Ҳозирги замонда ҳамма нарсани рўй-рост ва аниқ қилиб ифодалашга ҳар кимнинг ҳам журъати етмайди. Биз, шу минтақада яшаётган одамлар, террор балоси нима эканини бошқаларга нисбатан яхшироқ биламиз. Тошкентда портлашдан рўй берган эди, май ойида эса Андижонда мудҳиш фожаи содир этилди.

Ҳозир замон ўзгарди, бутун дунё террор деган дахшатли балага дуч келди. Бугун курраи заминда тинч аҳоли

вакиллари террорчилар қўлида ҳалок бўлмаган давлат топилмас керак. Шуни барча англаб етиши керакки, ушбу муаммони биргаликда, бутун дунё давлатлари ҳамкорлигида ҳал қилиш вақти келди.

Шу боис улкан салоҳиятга эга давлатларни бирлаштирган ва ўз олдида террорчиликка қарши курашини мақсад қилиб қўйган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти оддий одамлар қалбида XXI аср балосига қарши тура олишимиз ҳақида умид уйғотади. Бироқ бунинг учун бирлашиш лозим. Энг асосийси, бунга айрим мамлакатлар юрифтаётган «икки хил стандарт» сиёсати тўқтинлик қилиши мумкин. Уша давлатлар шаклу шамоили бир хил жиноятларни баъзан, ўз

манфаатидан келиб чиққан ҳолда террорчилик, баъзан эса «тинч» намоийш, деб атамоқда. Шак-шубҳасиз, Лондонда содир этилган дахшатли террорчилик хуружларини ҳам барча сиёсатчилар, хурфидкери инсонлар қоралайди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бу террор деб аталган битта занжирнинг халқаларидир. Лондондан анча олсдаги Андижонда ҳам айнан мана шундай террорчилик ҳаракат қилган эди. Лекин Англиянинг баъзи бир узокни кўра билмайдиган сиёсатчилари бундай ёвуз кўнларга бепарволик билан қараб, террорчиликнинг бутун дунёга ёйилишига кенг йўл очиб бермоқда.

Давоми 2-бетда.

XVI аср Сағбоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Шу йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанднинг Регистон майдонида «Шарқ тароналари» фестивали бўлиб ўтади. Унга тайёргарликни пухта амалга ошириш бўйича ҳукумати-мизнинг махсус қарори эълон қилиниши фестивалнинг ёқори даражада ўтишига муҳим омил бўлади.
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-Демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши ҳузурида сиёсий тарғибот маркази ўз фаолиятини бошлади.
- Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган сув тозалаш қурилмаси Жанубий Мирзачўл каналининг шохбчасига ўрнатилди. Бу эса ҳудуддаги 3700 нафардан ошиб аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди.
- Баҳмал туманидаги 45-мактаб жамоаси Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ўтказилган «Ўзбекистон билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик» мавзусидаги танловда голиб чиқди. Мактабга 46 минг 454 АҚШ доллари миқдоридан грант топширилди.
- Бухоро шаҳрининг марказида 450 нафар ўқувчига мўлжалланган адлия коллежининг қурилиши бошланди. Бунёдкорлик ишларини «КМК-47» МЧЖ қурувчилари амалга оширишмоқда.
- Хивада «Қадимги Хоразм маданияти-2005» халқаро туристик ярмарка бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан ва ўнлаб халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашди.

Жаҳонда

- Люксембургда Европа Иттифоқининг умумий Конституциясини ратификация қилишга доир референдум ўтказилди. Иштирокчиларнинг 56,52 фоизи умумий Конституцияни қўллаб-қувватлаган ҳолда овоз берди.
- Киргизистонда Президент сайлови ўтказилди. Унда давлат раҳбари вазифасини бажариб келган Курманбек Бакиев 88,9 фоиз овоз олиб, ғалаба қозонди.
- Буюк Британияи Бош вазири Тони Блэр мамлакат парламентидеги маърузасида Лондондаги хунрезликни амалга оширганлар топилмагунча қидирув ишлари давом этишини билдирди.
- Байрутда Ливан мудофиа вазирига суиқасд амалга оширилди. Портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди, 12 киши тан жароҳатларини олди. Ливан мудофиа вазири вазифасини бажарувчи Исёлс ал-Мур яраланган ҳолда касалхонага ётқизилди.
- Молдовадаги Россия элчихонаси мамлакат ташқи ишлар вазирлигига нота жўнатган. Унда айтилишича, 9 июль кунини маҳаллий полиция томонидан Кишинёвда хизмат сафарига бўлган 4 нафар россиялик дипломат ушланган.

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

Хар қадамда иқтисодий юксалиш сари олга интилаётган давлатимиз бугунги кунда тadbirkорларга кенг шарт-шароитлар яратиб бераётганлигини ақинда Президентимизнинг "Тadbirkорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тadbirlари тўғрисида"ги Фармони-дан ҳам яхши англаш мумкин.

ШИЖОАТГА УНДАЙДИ

Ушбу Фармон тadbirkорлик билан шуғулланаётган хар бир кишини қувонтиргани бежиз эмас. Аинқиса тadbirkорлик билан энди шуғулланаётганлар учун бу Фармон улар фаолияти даврида асосий дастуруламал бўлади десам хато қилмаган бўламан. Қувонарлиси шундаки, бундан буён тadbirkорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд органи амалга оширади. Бу албатта биз тadbirkорларни хар доимигдан ҳам шижоатлироқ ва самаралироқ меҳнат қилишга ундайди. Зеро энди олдинда тўсиқлар йўқлиги ҳаммага аён.

Бугунги кунда жамоамизнинг 80 нафардан ортик меҳнатсевар ходимлари рақобатбардос сифатли маҳсулотлар билан ички бозоримизни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда. Утган йили корхонамизда 80 миллион сўмлик турли хилдаги ўсти киийимлар ишлаб чиқарилган бўлса, имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини яна бир неча фоизга оширишни режалаб олганмиз.

Шуниси аниқки, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб харидорлар эътиборини қозониш, бозорбоп маҳсулот турларини тайёрлаш кўп меҳнат ва изланишни талаб этади. Бунда шунингдек, замон талабларини ўрганган ҳолда тadbirkорлик билан иш юритиш ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Аммо гоҳида ўша изланиш ва интилишга қарши бўладиган тўсиқ ва говлар бутун бир ҳаракатингизни чиппака чиқаришидан ёмон бўлмаса керак.

Шу боис ҳам ҳуқуқимиз ва Президентимизнинг биз тadbirkорларга берган кўмаклари ҳамда қўллаб-қувватлаш корхоналар ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун ниҳоятда қўл келмоқда. Шу ўринда юқоридаги Фармон ҳақида алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда текширишлар сонини камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларнинг рўхсат берилмаган текширишлар ўтказганлиги учун жавобгарликни кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин дея алоҳида таъкидлаб ўтилган. Фармонда мустаҳкамланган ушбу қоидалар тadbirkорларнинг муаммоларини камайтириб, ортика даҳмазалардан халос этади ва натижада улар бундан-да аҳамиятлироқ ишлар билан шуғулланишга вақт топа олишлари тайин.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз томонидан амалга татбиқ этилаётган ушбу Фармонлар негизда халқ манфаати, юрт фаровонлиги ётгани аниқ.

Шавкат ЖАЛИЛОВ,
«Иготекс» масъулияги чекланган жамияти раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН — МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ

ЖАВОБИ ТОПИЛМАЁТГАН САВОЛЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

Мен кекса одамман. Бир пайтлар Нью-Йоркда қора танлилар яшайдиган туманда исён кўтарилгани ва маҳаллий ҳокимият уни бостириш учун ҳеч иккиланмасдан геттога бомба ёғдиргани ҳам эсимда. Ушанда бегуноҳ фуқаролар, болалар, хотин-қизлар ҳалок бўлган эди. Лекин ўшанда бу хатти-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қораланмади. Бундан демак, суверен давлат ўзининг «ички душманлари»га қарши қандай жазо қўллашини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга экан. У ҳолда, Америкага ўзи каби суверен давлатларнинг ички муаммоларига аралаштиш ҳуқуқини ким берди?

Мен саммитда қабул қилинган хорижий ҳарбийларни ШХТ мамлакатлари ҳудудидан аэродромларда сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириш тўғрисидаги баёнот бўйича ҳам фикр билдирмоқчиман. Менимча, бунда Қарши яқинидаги бизнинг «Хонобод» аэродромимиз ҳам назарда тутилмоқда. Мен ҳам бошқалар каби юртимизда бундай базанинг пайдо бўлишини ўз вақтида қўллаб-қувватлаганман. Ҳеч кимга сир эмаски, 2001 йилда Афғонистон томондан турли тоифадаги террорчилар ҳудудимизга суқилиб қирарди ва уларнинг «ўқув марказлари» ҳам айнан ўша мамлакатда жойлашган эди. Тolibлар Ўзбекистонга қуролли бочқинчиликни амалга оши-

ришни очикдан-очик айтишарди. Таҳликали эди у кунлар. Шундан сўнг мамлакатимиз Америка ҳарбий-ҳаво кучларига Афғонистон шимолида қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун «Хонобод» аэродромини берди ва шу тарихида антитеррор операциясига баҳоликудрат ўз ҳиссасини қўшди.

Айни пайтда эса, америкаликларнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, Афғонистондаги ҳарбий операцияларнинг фаол босқичи ниҳоясига етди, мамлакатда ҳаёт изга тушмоқда, ҳукумат ва президент сайланди. Шу маънода, «Хонобод» аэродромидан фойдаланишга уларда эҳтиёж ҳам қолмади.

Америка ҳарбийлари, оммавий ахборот воситаларидан маълум бўлишича, наркотрафикни камайтиришга ҳам таъсир кўрсатмас экан, негаки, бу уларнинг иши эмас эмиш. Ваҳоланки, наркотиклар террорчилик озиқланадиган молиявий манба ҳисобланади. Афғонистон дунёдаги асосий кўкнори этиштирилдиган ҳудуд бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, бу борда самолётлардан ҳеч қандай наф йўқ.

Шу тарихида ўз-ўзидан табиий савол тугилади: АҚШ ҳарбий контингенти Хонободдаги авиабазани нима учун банд этиб турибди? Бу ерда Америка ҳарбийлари қандай вазифани бажармоқда? Агар бу АҚШнинг аллақандай геосий манфаатлари билан боғлиқ бўлса,

унинг бизга, Ўзбекистонда яшаётган одамларга нима дахли бор?

Дарвоқе, яқинда газетада Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотини ўқидим. Унда Америка томони аэродромдан фойдаланиш, самолётларнинг парвозини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистоннинг сарф-ҳаражатларини қопламаётгани баён этилган. Шундай экан, уларни ўз ҳисобимиздан боқишни нима кераги бор? Ёки америкалик ҳарбийлар «палончига салом бердинг — қирқ танга товон бердинг» тамойили бўйича яшамокдими?

Яна бир оддий инсоний муаммо бор. Аэродромга бевосита яқин жойларда яшайдиган қаршиликлар бу ерда хорижий ҳарбийлар юзага келтираётган бир талай нуқулликлардан арз қилмоқда. Булар оғир ҳарбий Америка самолётларининг чидаб бўлмайдиган шовқини, йўлларнинг тўсиб қўйилиши сабабли одамларнинг айланма йўллардан юришига тўғри келаётгани ва бошқа муаммолардир.

Эҳтимол, бу саволларнинг жавоби ҳукуқимизнинг юқори мансабдор кишиларига маълумдир. Шундай бўлса, улар жавоб бера қолсин. Аминманки, бу саволлар нафақат мени, балки кўплаб бошқа юрдошларимизни ҳам ўйлантириб келмоқда.

Назрулло ҲАМРОЕВ,
(«Народное слово» газетаси,
2005 йил 12 июль).

Юнусобод туман ҳокимлиги, туман меҳнат бўлими ҳамда «Маҳалла» жамгармасининг туман бўлими ўзаро ҳамкорликда Юнусобод даҳасининг «Дўстлик» маҳалласида навбатдаги ҳудудий «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасини уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Ярмаркалар

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Мазкур ярмаркада «14-мавзе» «Оқтепа», Юнусота маҳаллаларидан доимий иш билан банд бўлмаган юзга яқин фуқаролар қатнашди. Унда туманда фаолият юритаётган корхоналардан 100 таси 581 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Улардан 285 таси ўрта-техник ходимларга мўлжаллангандир.

— Утказилган меҳнат ярмаркаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида жамоамиз билан иш юритиш режамизни қайтадан кўриб чиқдик, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Нозима Сулаймонова, — маҳаллалар оқсоқоллари, фаолларининг кўмаги, ҳамкорлигига суянган ҳолда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли синчковлик билан рўйхатга олинмоқда. Аинқиса, меҳнат бозорида эркин рақобатга кириша олмайдиган ёшлар, ногирон, кўп болалик, ногирон фарзанди бўлган оналар, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Шу кун меҳнат бўлими ходимлари томонидан 72 нафар фуқароларга ишга йўлланма берилган бўлиб, улардан 42 нафарининг бандлик масаласи ҳал бўлганлиги эътиборга молик. Фуқаролар йўлланмалар орқали туманда жойлашган Тошкент ҳайвонот боғи, «Ўзэкспомарказ»,

17-шаҳар клиник шифохонаси, «Ўзсаноатбанк»нинг «Шахристон», «Асакабанк» туман филиаллари, туман халқ таълими, ободонлаштириш, ҳудудий тиббиёт бўлимларига ишга юборилдилар.

Бектемир туман ҳокимлиги ҳамда туман меҳнат бўлими ташаббуси билан «Сувсоз» даҳасида ўн иккита маҳаллаларнинг аҳолиси учун «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Қувонарли томони, мазкур ярмаркани ташкил этишда тумандаги «Миришкор», «Мажнунтол», «Бектемир», «Зилола», «Маърифат», «Роҳат» ҳамда «Бинокор» маҳаллаларининг оқсоқол ва фаоллари меҳнат бўлими жамоасига яқиндан кўмак беришди. Асосий кўзланган мақсад ҳам меҳнат ярмаркаларига аҳолини кўпроқ жалб қилишдан иборат.

Ярмаркада 97 нафар фуқаро қатнашиб, 23 та йирик саноат, қурилиш, транспорт, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш ташкилотларидан 192 та бўш иш ўринлари тавсия этилди. Бундан ташқари, «Чкалов» номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятидан ҳам мутахассислар қатнашди.

Натижаларга келсак, меҳнат ярмаркасида 24 нафар фуқаро-

ларга «Мармакс» кўшма корхонаси, «Метглаз» шўба корхонаси, «Ўзавтойўл» Давлат автойўл корхонаси, «Мотор» заводи, Йўлқўприк қурилиши корхонаси каби кўплаб ташкилот, корхона л а р г а йўлланмалар берилиб, ишга юборилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бoшқармасига қаршали Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига 6 нафар фуқаролар йўлланма орқали ўқишга юборилди.



СУРАТЛАРДА: Юнусобод ва Бектемир туманларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Маччи

**ЙЎЛЛАНМАЛАР
БЕРИЛДИ**

Германия Техника ҳамкорлиги жамияти лойиҳаси бўйича сайёҳликдан мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёни амалга оширилмоқда. Тошкент туризм касб-хунар коллежи ҳам шу лойиҳа доирасида иш юритиб, бўлажак малакали ёш мутахассисларни ўқитиш соҳасида бой тажриба орттирди.

Коллежда мазкур лойиҳа жорий этилганига беш йил бўлди. Бу сафарги битирувчилар сони 20 нафар кишини ташкил этди. Ресторан иши мутахассиси касбини эгаллаган бу ёшларга пойтахтимиздаги ресторонларда ишлаш учун йўланма берилди.

**ТАНЛОВ
ҒОЛИБЛАРИ
БЎЛИШДИ**

Муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Қориёқубов номидаги Республика танлови кўпгина ёш истеъодларга ижодий қувонч бахш этди. Ижрочилик ва маҳорат кўригида Тошкентдаги Қориёқубов номидаги иккинчи муסיқа мактаби ёш созандалари ҳам фаол иштирок этдилар.

Билим даргоҳининг бир йўла тўрт нафар вакили ушбу нуфузли танловнинг ғолиби бўлди.

Келгусида моҳир дуторчи санъаткор бўлиш орзусида юрган Нилуфар Аблямова эса биринчи ўрин соҳиби бўлди. У Ҳамза номидаги Республика муסיқа коллежига имтиёзли равишда кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**НОТИҚЛИК
САНЪАТИ
БИЛИМДОНИ**

Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ўтказилган қўрик-танлов нотиклик санъатига бағишланди. Унда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг иқтидорли талабалари ҳам ўз нотиклик маҳоратларини намойён этдилар.

Олий ўқув юртининг талабаси Сардор Усмонов эса бу беллашувда биринчи ўринни қўлга киритди. Нотиклик санъатини пухта эгаллаётган бу истеъод эгаси ҳозир француз ва немис тилларини яхши ўзлаштириб олган.

Ғолиб талаба университетда француз тилида чиқарилаётган газетига муҳаррирлик қилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

**САЛОҲИЯТЛИ
ХАЛҚНИНГ
ЕНГИЛМАС ЎҒЛОНИ**

Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини кийганига бир йил тўлди

Жаҳон чемпиони деган ном спорт оламида энг олий унвондир. Футбол, бокс, шахмат каби миллионлаб мухлислар кўнглидан жой олган энг оммавий спорт турлари бўйича эришилган улкан натижалар ҳақидаги хушxabарлар бутун дунёга бир зумда тарқалиши маълум.

Минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахматнинг бошқа машҳур ўйинлардан фарқи шундаки, мазкур спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлиш башарият тарихида санокли кишиларгагина насиб қилган.

Зеро, жаҳон шахмат тожи учун дунёнинг энг зўр шахматчилари расман 1886 йилдан буён кураш олиб боради. Бу тожга биринчи бўлиб австриялик Вильгельм Стейниц сазовор бўлган. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновгача жаҳон шахмат тожига Эммануил Ласкер, Хосе Капабланка, Александр Алехин, Макс Эйве, Михаил Ботвинник, Василий Смилов, Михаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спасский, Бобби Фишер, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир Крамник, Александр Халифман, Вишванатан Ананд ва Руслан Пономарев эгаллик қилган.

2004 йили Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Халқаро шахмат уюшмаси — ФИДЕ шафёлигида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон чемпионати мухлислар ҳаёжон билан кузатиб бордилар. Унда дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар энг кучли шахматчи жаҳон шахмат тожи учун курашди. Улар орасида камтар, камгап, истараси иссиқ йигит — ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов ҳам бор эди.

Бу мусобақа Рустамини жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук, беш карра Венгрия чемпиони Золтан Алмаши, шунингдек, Александр Гришчук, Веселин Топалов ҳамда

Майкл Адамс каби энг кучли шахматчиларга рўбарў қилди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер номи бу улғу шахматчиларни кетма-кет маълумиятга урғатиб, жаҳон шахмат тожи сари яқинлаша борди.

Нихоят финал... Рустам Қосимжоновнинг шахматчилик фаолиятида энг муҳим ва машҳур учрашувини йигирма олти миллионлик Ўзбекистон халқи ҳаёжон билан томоша қилди. Рақиб энг кучли гроссмейстерлардан бири - англиялик Майкл Адамс эди.

Финалнинг классик шахмат бўйича олти партиясида кучлар тенг келди — бутун дунё бўйича миллионлаб мухлис мутахассислар эътиборини ўзига қаратган гроссмейстерлар 3:3 ҳисобида дур-ранг ўйнади. Мусобақа қордасига кўра, жаҳон чемпиони рагид — тезкор шахмат бўйича «тай-брейк» да аниқланадиган бўлди. Тезкор шахматда жаҳонда Рустамнинг олдида тушадиган ўйинчи кам. Буни «тай-брейк» баҳслари яна бир карра аниқлади. Икки партиянинг биринчисида дурангга рози бўлган Рустам Қосимжонов кейинги баҳсда мураккаб вазиятда оқилона иш тутиб, тахрибали рақибини боши берк кўчага киритиб қўйди. Натижада ўзбек ўғлини жаҳон шахмат тожининг соҳибига айланди!

Бу тарихий воқеа Ўзбекистонда катта шодлик билан қўлиб олинди. Минглаб ҳамюртларимиз майдонлар хибобларини тўлдириб сайлга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси



Президенти Ислам Каримовнинг Фармониغا биноан Рустам Қосимжонов ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намойён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, шухратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Рустам Қосимжонов буюк саркарда ва давлат арбоби, Соҳибқирон бобомиз томони билан аталдиган мукофотга муносиб қўриганида ўзига хос раамзий маъно бор, албатта.

Юртбошимиз айтганидек, мамлакатни дунёга тез танитишда спортнинг аҳамияти беқийс. Рустам жаҳон чемпионлигига сазовор бўлиб, бутун дунёга ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳеч қачон кам бўлмастлигини исботлади. Айниқса, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?» деган умрбоқий сўзларини ёдга солади.

Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган она юртимизда қадимдан мавжуд бой маънавий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий натижасидир.

Улғу боболаримизга мансуб теъран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намойён қилган Рустам Қосимжонов гўзал ва

бетакрор юртимиз — Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат кироли, деб тан олинди.

Оддий ўзбек йигитининг бу тарихий ғалабаси халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мана шундай улғувор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳияти, эртанги кўнга ишончини янада мустаҳкамлайди, гурур-ифтихори манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рустам жаҳон чемпиони бўлишига сазовор бўлганидан буён ўтган вақт давомида Хундистонда «Пуна Интернэйшнл» спелтуртуринида, Голландияда рагид — тезкор шахмат бўйича ўтказилган «НК-Рагид» халқаро турнирларда ғолиб чиқди, Ўзбекистон терма жамоаси тарихида Испанияда ташкил этилган XXXV жаҳон шахмат олимпиядасида савқиз партия ўйини ўтказиб, енгилмаган шахматчилардан бири бўлди.

Ҳозир Рустам Қосимжонов кузда Аргентинада мутолқ жаҳон чемпионлиги учун бўладиган беллашувга қизгин тайёргарлик кўряпти. Маълумотларга қараганда, Рустам қатор нуфузли турнирлар ташкилотчиларидан мусобақада қатнашиш учун тақлиф олган. Бироқ ҳамюртларимиз учун энг асосий мусобақа Аргентинада бўлади.

Омад сенга хамиша ёр бўлсин, ўзбекининг енгилмас ўғлини!

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза шарҳловчиси**

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Тошкент Давлат юридик институтининг «Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида қайд этганидек, ярашув институтининг жорий этилиши қонунчиликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлаётди. Халқимиз табиғатида мос бундай усул шарофати билан 30 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Муҳими, тарафларнинг ярашув натижасида жабрланувчиларга етказилган 17 миллиард сўмга яқин моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланди.

— Мамлакатимизда ярашув институтини Президентимизнинг ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида жорий этилди, — деди Тошкент Давлат юридик институтининг 3-хуқуқ факультети декани, юридик фанлар доктори Одина Зокирова Ўза муҳабрига. — Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят

оқибатида келтирилган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишини тугатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган ҳисобланмайди.

Ярашув институтининг яна бир жиҳати шундаки, жиноят иши соддалаштирилган тартибда теъзорлик билан қисқа муддатда дастлабки терговдан ўтказилади ва судда кўрилади. Бу ҳолатда ортиқча сансалорликка барҳам бериллади.

Бу институтнинг қонунчилигимизга киритилишининг истикболи порлоқ. Мавжуд амалиёт кўрсаткичлари ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 66-1-моддасида қайд қилинган жиноят турларини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган айрим жиноят турлари ҳисобига бир мунча кенгайтириш мумкинлиги масалаларини кўтаришига имконият яратди.

Анжуманда иштирок этган олимлар ва амалиётчилар томонидан айни масалалар чуқур таҳлил қилинди. Ярашув институтини янада кенг жорий этиш, унинг жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигидаги ифодасини такомиллаштириш ва либераллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
Ўза муҳабри**

Бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Шундай экан бизнинг тараққиётимиз соғлом авлод тарбиясига таянади. Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деб беҳиз айтмаганлар. Ҳақиқатан ҳам ушбу сўзларда қанча маъно бор, чунки ёш авлод бизнинг келажагимиздир, улар устида қанча қайғурак шунча оз.

Ёшлар — келажагимиз

**ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ВА
ЗАВҚЛИ ЎТМОҚДА**

Бола туғилган дақиқадан бошлаб унга нисбатан доимий эътибор кўрсатилади. Соғлом ўсшига ҳалақит берувчи салбий таъсирлардан муҳофаза этиб, соғлом тарбияланганлар учун қулай шароитлар яратилади. Уларни гўдақлик ёшидан бошлаб жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялаш, келажакка керакли инсон бўлиб вояга етишларида барча бирдек ҳаракат қилиши лозим. Ҳозирги кунда ўқув муассасаларида таълим жараёни ниҳоятда олишмоқда. Болаларнинг ёзги таътили бошланиб, мароқли дам олишмоқда. Болалар дунёқарашини кенгайтиришда ҳам оромгоҳлар, дам олиш масканлари муҳим роль ўйнайди. Масалан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаш томонидан «Ёзи Қамолот билан» лойиҳаси асосида ҳозирда Юнусобод туманидаги 97-мактабдаги «Фунча», 246-мактабдаги «Хумо», 258-мактабдаги «Истиклол» оромгоҳлари шун асосда болаларнинг ҳордиқ чикиришлари учун қулай замин яратмоқда. Уларнинг мақсади ёзги таътил даврида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишига кўмаклашиш, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган эътиборни қучайтиришга қаратилган. Шунчи ҳам айтишимиз мумкинки, бу оромгоҳларда турли хил дўнғилочар, болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган ўйинлар, қўрик-танловлар, спорт ўйинлари, мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан танишув ўйинлари, «Мен истайманки!», «Супер хона», «Алло, истеъодларни излаймиз!», «Қамалак жилоси», «Саҳна меннинг ҳаётимда» қўрик-танловлари ниҳоятда етди. Унда болалар ўз қизиқишлари билан қатнашиб истеъодларини намойиш этишди. Оромгоҳ ҳудуди бўйлаб болаларни спорт ўйинлари билан чиқаришти, уларни маънаван етук бўлиб вояга етишларида ҳам кўпгина тадбирлар уюштирилмоқда. Шунингдек, «Спартакиада — 2005» спорт ўйинлари-га шарт берилди. Бу спорт ўйинлари 10 кун давом этди, унда болажонлар шахмат-шашка, сув ҳавзасида чўмилиш, баскетбол, теннис, футбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолиблар соғвалар билан тақдирланди. Хуллас, ёзги таътил болалар учун завқли ўтмоқда.

Барно ШЕРБОЕВА

Муस्ताқиллигимиздан сўнг мамлакатимизда ўзбек педагог олимларининг сафи тобора ортиб бормоқда. Уларнинг халқ таълими ва олий таълим тизимида, шунингдек маҳаллаларда, хотин-қизлар кўмиталарида олиб бораётган ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Мана шундай заҳматкаш олимларимиз орасида филодий, камтарин ва ўз касбининг етук мутахассиси, фанимиз жонкуяри бўлган Қумри Абдуллаеванинг номи бугунги кунда нафақат республикамизда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам яхши танийдилар, десак адашмаймиз.

чанқоқлик, олима бўлиш ҳаваси, китоблар ёзиш ишга олимларининг сафи тобора ортиб бормоқда. Уларнинг халқ таълими ва олий таълим тизимида, шунингдек маҳаллаларда, хотин-қизлар кўмиталарида олиб бораётган ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Мана шундай заҳматкаш олимларимиз орасида филодий, камтарин ва ўз касбининг етук мутахассиси, фанимиз жонкуяри бўлган Қумри Абдуллаеванинг номи бугунги кунда нафақат республикамизда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам яхши танийдилар, десак адашмаймиз.

билан ҳамкорликда «Алифбе»ни яратишга киришди ва тўғри Қумри билан институтга ишга келишга ундади. Бу ерда ишлаб Оқилхон Шарафидинов ва Раҳима Мавлонова каби олим ва олималар билан янада яқинлашиб, улардан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш сирларини ўрганди. Шу билан бирга институт қошида очилган аспирантурада биринчилар қаторида тахсил олди. Ўқиш, излашниш давом эттириб, 1966 йилда «Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ўстириш» мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилиб

Китоблар оламида

АЁЛЛАРГА ТАЪЗИМ

Куни кеча нашриётдан чиқиб келаётган элим, кўча ёқасига енгил машина келиб тўхтади. Бир аёл машинанинг орқа ўриндиғидан пачка-пачка қилиб боғланган китобларни тушира бошлади. Қарасам барчамиз учун таниш, журналист Муҳтабархон Каримова экан.

— Бу кимнинг китоблари, — сўрайман қизиқиб.

— Ўзимизники, — дейди ийманиб. Кейин югуриб борди-ю, пачкалар ичидан бир дона китобни олиб келиб: «биринчиси сизга» деб ҳурмат билан менга тутқазди.

Ўқийман, китобнинг номи: «Аёл яратган дунё».

— Ўзбекистонимизнинг фидокор аёлларига бағишланган, — дейди Муҳтабархон.

— Раҳмат сизга, жуда саҳоватли иш бўлибди, — дейман. Уйга қайтгач, китобни эътибор ва эҳтиром билан қўриб чиқа бошладим. Унда мен учун таниш, қадрдон, ойдек гўзал чехралар, эл-юрт учун умр бўйи куюниб-ёниб ишлаган жонкуяр, маълум-машхур тар ҳақида битилган ўтли, меҳрли сатрлар.

Биринчи саҳифа барчамиз учун қадрли, сеvimли бўлган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия опанинг «Эмиш...» деган машҳур шеъри билан очилади:

Аёл бахти. Мендай аёл бахтига Тақдир маликани кўрганми лойиқ?

Халқ меҳрида, ёрман эл шухратига,



Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...

Сўз бошига шу китобнинг яратилишида жон куйдириб ишлаган, гоя муаллифи Муҳтабархон Каримова «Аёл ўзи чўққидир бир кун» деб сарлаҳа қўйибди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Аёл,

бу уй бекаси, фарзандларнинг меҳр-муруватли онаси, олим, мутафаккир, шоир, ёзувчи, журналист, шифокор, давлат арбоби, сеvimли ёр...

Рисола икки қисмдан иборат, биринчиси «Илм-маърифат гулшанининг сара гуллари», иккинчиси эса, «Ватан, қалбим сенга бахшида» деб аталади. Мазкур китоб мустақил Ўзбекистонимизнинг уч юздан ортиқ машхур ва маълум аёлларини таъриф-тавсиф этгувчи бадиий-маърифий, кўркем биографик қўлланмадир.

«Аёл яратган дунё» деб аталгувчи мазкур рисола ҳар тарафлама пишиқ-пухта, ҳам чиройли қилиб нашр этилган. Ўйлаймизки, бу «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахриратининг энг маърифатли ва саҳоватли ишларидан биридир.

Мақсуд ҚОРИЕВ

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Муносибат

Кийиниш маданияти— юқори маънавият кўзгуси

Маданиятлиқнинг асосий белгиларидан бири бу— кийиниш одатидир. Кимнинг қандай кийим-кечак билан ҳаётини бошқариши, моддий ва маънавий даражасини ва ҳатто касбининг ҳам аниқлаш мумкин. Кийиниш маданияти ҳақида бугунги суҳбатдошимиз Тошкент Давлат Иктисодиёт университети ўқитувчиси, психология фанлари номзоди, доцент Феруза АКРАМОВА бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Инсоният онгида бошқалардан истиҳоло қилиш, уялиш, андиша тушуналари пайдо бўлганда бошлаб одамлар кийинишни одат қилишган. Айтиш керакки, кийинишни илк бор қадимда аёллар бошлаган эканлар. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар психологик табиатида кийиниш, безаниш, тақинчоқлар тақиш тушунчалари турмушнинг асосий кўринишлари қаторида туради. Кийиниш маданияти жинс, ёш, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараққиётнинг муайян босқичи, даражаси билан боғлиқдир. Болалар, қизлар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кекса одамларнинг кийиниш маданияти мазмуни ва шакли шамойили жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Сир эмаски, ҳозирги ўзбек қизларининг кийиниши одамни ҳайратга солмоқда, кўпчиликни ўйлантирмоқда. Елкалари очик, тор ва калта қилинган, қорин ва бел соҳалари очик кийимларда бемалол юришмоқда. Бу қизларнинг асарият қисми айна вояга етган паллада. Бундай кузатиб қараб ўйланиб қоласиз. Наҳотки уйдан кўчага чиқиб кетаятган қизнинг кийиниши отанасини қизиқтирмайди? Наҳотки она қизига кийиниш маданияти тартиб-қоидаларини тушунтирмайди? Шундай кийимлар харид қилиши учун пул беради? Шу

сифатини ҳис этиши керак». Бу келтирилган қонданнинг туб асосида биз юқорида шарҳлаган инсон ҳислари психологияси ётади. Кийиниш маданияти бу ҳар бир инсон учун билиши ва амал қилиши лозим бўлган қоидалар орасида энг юксакдир. Шу ўринда бир ривоятни келтирариз. Учта ака-ука сафарга чиқиб, ўрмонда тунаб қолишларига тўғри келганда навбатма-навбат ухламай кўриқчи бўлибдилар. Ухлаб қолмаслик учун қатта ака бир дарахдан аёл танасини ясабди, ундан кейинги ака бу танага руҳ ва жон ато этибди, энг кичик бўлган ука эса бу қизга либос тикибди. Уччаласи бу қизни севиб қолиб, унинг юрагини сабт этиш истагини билдирганлариди, қиз уларнинг орасидан либос тикканини танлабди. Шунинг учун бўлса керак, либос ҳар бир инсоннинг ўз танасининг нозик аъзоларини, айрим нуқсонларини кўздан ҳоли қилишга хизмат қилади, инсонни жозибали, ёқимли, хушсурат бўлиб кўринишига ёрдам беради.

Шундай экан, кийиниш маданияти ва сирларини билиш ҳамма учун зарур, айниқса ҳаётимиз кўрки, кўзгуси бўлган қизларимиз учун оилавий ҳаётларига таъсир этади. Жуфтларнинг бир-бирини ўрганиши, бир-бирини кунба-кунанги китоб сингари ўқиш ҳисси қамайиб боради ва натижада ҳали ҳеч қанча бирга яшаб улгурмай ажраллишга ҳам ҳаракат қилишади. Чунки улар орантида андиша, уялиш йўқолди. Французлар ўзи эркин халқ бўлса-да бир нақлни айтадилар: «Аёл киши ўз оилавий ҳаётини сақлаб қолиши учун сирлилигини сақлаб қолиши керак. Турмуш ўртоғи унинг ҳар сафар очилмай қолган қиррасини ва

Маслаҳатчи минбари

НАМУНА БЎЛИШГА ИНТИЛАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг нақадар улкан аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб ўтишга ҳолат бўлмаса керак. Бу Фармонга асосан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлаганига ҳам бир йилдан ошди.

Маҳалламизда 7000 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Булар турли миллат вакиллари, турли касб эгалари ва ёшлардир. Маслаҳатчи сифатида аввало ўз фаолиятини қайси йўналишларда ва қай йўналишда олиб боришим керак, деган масала турарди. Бу борада албатта туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муқаддам Раисуллова ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Исмановларнинг кўрсатмалари ва амалий ёрдамлари катта аҳамият касб этди. Шунингдек, туман ҳокимлигида маслаҳатчилар учун уюштирилган семинар, ўқув машғулотлари менинг фаолиятимда амалий дастур бўлмоқда.

Ишни асосан маҳалламиз ва оилалар паспортини ўрганишдан бошладим. Асосий кўчаларимизда 712 та хонадон бўлиб, ҳаммасининг бўлмаса ҳам кўпининг яшаш шaroити, муаммоларини ўргандим. Хар бир учрашувда камроқ гапириб, кўпроқ уларни тинглашга ҳаракат қиламан. Шундагина хар бир оиланинг тарихини, аъзоларини, даромад манбаларни қай даражада эканлиги, боқувчиси бор-йўқлигини аниқлаш осон бўлди, одамлар қалбига йўл топадиган, уяллар дардини тушунишга ҳаракат қилдим.

Иш фаолиятини бошлаганимга бир йилга яқин вақт ўтган бўлса иш жараёнимда аёлларнинг ижтимоий фаолиятини оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, аёлларни иш билан таништиришга, улар ўрнини ҳаётда яшашга қўллашга, диний экстремистик оқимларнинг таъсирини тушириб қолишнинг олдини олишга асосий эътиборни қаратишим кераклигини англадим.

Маҳалламизда 8, 10-синф қизларидан иборат «Қизлар кенгаши» тuzилган бўлиб, мен билан ҳамкорлик қилиш юретишмоқда. Бу кенгаш аъзолари ўзининг етакчисига эга. Маҳаллада ёш қизларни жалб этган ҳолда «Поклигинг— соғлигинг», «Қизларни турмушга тайёрлаш» мавзусида давра суҳбатлари ўтказдик.

Сихат-саломатлик йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бора-расида ҳам амалий ишлар қилинди. Кам таъминланган оиланинг қўриб қолган гўдагини даволатишда, шифонага ётишдан бош торган 39 ёшли ҳомиладор аёлни турмухоҳнага ётқизишга эришдик. Аёлларнинг ишсизлик муаммоси бизнинг маҳалламизда ҳам мавжуд. Туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда ишлашимиз натижасида худудимиздаги хусусий корхоналарга ўйлаб аёллар



римизни ишга жойлашга эришдик. Уларнинг кўпчилигини иккинчи касбга ўқитдик, бир нечаси ўзбек-турк қўшма корхонасига ишга жойлашди. Бу билан аёлларнинг ишсизлик муаммоси ҳал бўлгани йўқ. Бу борада режаларимиз, қўллашдан ишларимиз кўп ҳали.

Шуни ҳам айтиш керак, маҳалламизда яшайдиган ёлғиз аёлларимизга «Қизлар кенгаши» аъзолари бириктириб қўйилган. Улар уй ишларига, бозордан рўзгор учун зарур нарсаларни харид қилишга ёрдам берадилар. Шунингдек, маҳаллада қайнона-келин муаммолари ҳам учраб туради. Улар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиб муаммоларини ҳал этишда бор билишим, ҳаёт тажрибам ёрдам бермоқдам. Бундан ташқари намунали оилаларимиз ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, аҳоли орасида ногирон аёллар ва ногирон фарзандли оилалар бор. Уларнинг ҳолидан хабар олишни, моддий ва маънавий қўллашни асосий вазифаларимдан бири деб биламан ва улар ҳаммиса эътиборимда. Ёшлар, болалар тарбиясига ҳам кўпроқ эътибор беряёмиз. Вояга етмаганлар орасида жинсий-киеликнинг олдини олиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди.

Маҳаллада боқувчисини йўқотган, жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг оилалари ҳам истиқомат қиладилар. Албатта, бу оилаларнинг ҳаётини яхшилаш ишларини қўллашда ҳам муаммоларини ўрганиб ҳолидан хабар олиб, уларга баҳоли қудрат моддий ва маънавий таскин бериб келмоқдамиз.

Кейинги пайтда мени қийнаётган муаммо — бу оилавий ажримлардир. Ёшлар билан олиб борилаётган суҳбатлар, қудалар билан учра-

шувлар, тушунтириш ишлари, тинч оилалар билан бўладиган мулоқотлар оз бўлсада самара бера бошладилар.

Мен ҳаётли тажрибалардан келиб чиққан ҳолда маслаҳатчилар учун чоп этилган «Намунавий инком»га қўшимча тақлифларимни билдирмоқчиман.

1. Оила ва никоҳ муносибатларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида ёш келин-куёвларнинг биринчи навбатда маҳаллага мурожаат этишлари,

2. Ёш келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий қўриқдан ўтиш жараёнида уларнинг оналари ҳам иштирок этса, тўйдан кейинги муаммоларини ҳал этишда бор билишим, ҳаёт тажрибам ёрдам бермоқдам.

3. Маҳалла аёллари, қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзи, кийиниш, овқатланиш маданиятини шакллантиришни тарбия муассасаларида (боғчадан) бошлашни йўлга қўйиш.

Бажарилган ишлар давомида шуни англадимки, маслаҳатчининг фаолиятида муҳим омил — бу масъулиятни ҳис эта билиш бўлса, яна бир томони—оғирликларни ўз зиммачиликнинг олдини олиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди.

Маҳаллада боқувчисини йўқотган, жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг оилалари ҳам истиқомат қиладилар. Албатта, бу оилаларнинг ҳаётини яхшилаш ишларини қўллашда ҳам муаммоларини ўрганиб ҳолидан хабар олиб, уларга баҳоли қудрат моддий ва маънавий таскин бериб келмоқдамиз.

Кейинги пайтда мени қийнаётган муаммо — бу оилавий ажримлардир. Ёшлар билан олиб борилаётган суҳбатлар, қудалар билан учра-

Мақбурлар

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури бўйича мамлакатимизда кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни дунёга келтириб, маънан ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз юротаётган одилона сийёсатнинг бош мақсадиридир. Хусусан, юртимизда оналар ва болалар саломатлиги, аёллар ҳамда ўсмир ёшдаги қизларнинг соғлигини яхшилашга эътибор қаратилган.

Яқинда Яккасарой туманидаги 160-мактабда «Қизларнинг гигиеник тарбияси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, туман «Оила ва аёл» маркази ҳамда туман ФХДЁ бўлими ҳамкорликларида ташкил этилди.

Тадбир давомида сўзга чиққан туман «Оила ва аёл» маркази раҳбари Раҳима Абдуғанева аёллар ва қизларда учрайдиган касалликлар хусусида, шунингдек, соғлом фарзандни дун-

ёга келтириш учун аввало аёллар ва эркакларнинг саломатлиги алоҳида эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида гапирди.

Дарҳақиқат, аввало она соғлом бўлса фарзандлар ҳам соғ-саломат дунёга келиб, дурқун ҳолда ўсади. Аёлнинг соғлом авлодни вояга етказиши, ёшларнинг саломатлигини яхшилашдаги оналик бурчи нҳоятда муҳимдир. Зеро, саломатлик — туман бойлик, деб бежиз айтилмайди.

Олияхон ШАРАФУДИНОВА

Заҳматкашларимиз

ИМ НУРИНИ ТАРАТГАН ОЛИМА

Умрлар бор, асрларга тенг бўлур, Умрлар бор, ёритгувчи мисли нур. Нур бор ерда нурафшондир зимистон, Илм излаб, меҳнат қилган топар шон.

Кумри Абдуллаева устози Оқилхон Шарафидинов билан ҳамкорликда яратган «Алифбе» дарслиги олиманин кўп йиллик изланишлари маҳсулидир. Доимий равишда амалдаги ушбу дарслик яқин вақтларга қайта-қайта нашр этиб келинди.

педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Шундан кейин институтда бўлим мудирилиги билан докторлик диссертациясини қўшиб олиб бориб, бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг илмий-амалий муаммоларини ҳал қилишга киришди. Ва тинимсиз меҳнатларидан сўнг «Ўқувчиларни ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг илмий-педагогик асослари» мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, педагогика фанлари доктори илмий даражасига эришди.

сифатида 10 га яқин монография ва илмий рисоалар, 500 дан ортиқ мақолалар, 40 дан ортиқ ўқув методик қўлланма, концепция ва дарсликлар муаллифи. Унинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолаган «Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи фи аълочиси» нишони, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» унвонларига сазовор бўлди. Олиманин метиндек иродаси, филокорона меҳнатлари ҳақида яна жуда кўп гапириб мумкин.

Ёшлигиндан ўқитувчилик касбига иштиёқи кучли бўлгани боис ёш Қумрихон мактабни битирган йили ўзи ўқиган мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишда қолди. Уша йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини (ҳозирги университет)га ўқишга кириб уни 1955 йил имтиёзли диплом билан тугатди. Маълумки, ўқитувчилик касби ўзига яраша ҳам шарафли, ҳам машаққатли касблардандир. Мурғак қалбларга йўл топиш, улар билан яқиндан дўст бўлиш учун муаллимдан аввало кенг фель, сабр-тоқат, энг асосийси болаларга меҳр-муҳаббат талаб этилади. Қумри опада ана шундай фазилатларнинг бари муҳассам бўлгани туфайли мактабда болаларга сабоқ берди. У кичкинтойларни жон-дилидан сеवार, гамхўрлик кўрсатиб ишларди. Йиллар давомида опа ўз устида тинмай ишлаб, дарс беришнинг янги-янги услубларини ижод қилди. 1958 йилда Қумри Абдуллаеванинг иш тажрибаларини кузатиб уни Қори Ниёзий номидаги Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига илмий ходим лавозимига ишга тақлиф қилишди. Илмга бўлган

Кумри опанинг нафақат эришган муваффақиятлари, балки унинг камтаринлиги, ҳалол ва тўғрисузлиги, ўз касбига садоқати унинг ҳамкасблари орасида, ҳалқимиз орасида ҳурмат обрўсини янада оширди. Опанин илмий мақолалари кўп йиллардан бери бир қатор газета ва журналларда, шунингдек унинг оила, одобларга меҳр-муҳаббат талаб этилади. Қумри опада ана шундай фазилатларнинг бари муҳассам бўлгани туфайли мактабда болаларга сабоқ берди. У кичкинтойларни жон-дилидан сеवार, гамхўрлик кўрсатиб ишларди. Йиллар давомида опа ўз устида тинмай ишлаб, дарс беришнинг янги-янги услубларини ижод қилди. 1958 йилда Қумри Абдуллаеванин кузатиб уни Қори Ниёзий номидаги Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига илмий ходим лавозимига ишга тақлиф қилишди. Илмга бўлган

Тиниб -тинчимас олиманин «Бошланғич таълимда синфдан ташқари ўқиш» номли биринчи методик қўлланмаси устозлари томонидан юксак баҳолангач, методист олим Х.Убайдуллаев билан ҳамкорликда 1962 йилда 4-синфлар учун «Ўқиб китоби»ни яратди. 1963 йилда эса «Нутқ ўстириш» методик қўлланмаси «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Шундан сўнг устози Оқилхон Шарафидинов

Халқимизда «Меҳнат инсонни улуғлайди», деган нақл бежиз айтилмайди. Меҳнатидан обрў-эътибор, эъзоз топган, бутун умрини фарзандларимизнинг маънавиятини бойитиш, билимни, қомил инсон бўлиб вояга етишида муносиб ҳисса қўшиб келаётган педагог олима Қумри Абдуллаевага биз ҳам саломатлик ва бардамлик, яна узоқ йиллар ёшларимизни илм нуридан баҳраманд этишларини тилаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА

Шарқ дурдоналари



- Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.
- Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беъади.
- Узоқ шармандалик умрдан кўра, қисқа ҳалол умрни ҳаминча афзал кўр.
- Ҳалол ашаганингни сезиб турсанг, ҳаёт наъшали ва осон туюлади.
- Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.
- Донолар айтадилар:
 - Эй фарзанд, молу мулкнинг бекорга сақлама, уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жоҳил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси амора кўйига кириб, ғам ва кулфат кўрадилар.
 - Эй, фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг софдил бўл. Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма, ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол!

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдида бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди.

Шунда келганлардан бири:

— Эй Ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Ҳалолликдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан, — жавоб берди.

● Мусибатли ва оғир дамларда қанот ва сабрни пеша қил! Сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.

● Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштирма. Уларга марҳамат кўзи билан боқ. Уларнинг гапига кулоқ сол ва яхшилик қил. Раҳм — узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тўқ, фаровон яшашига сабабчи бўлади.

Байт:

Кишидан рози бўлса агар қариндош, Ошиб обрўйи, бўлгай барчага бош.

● Ҳеч бир кишини хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин ёмон сўзлар билан камситмаслик керак.

● Айб яширишни киши ўзи учун шир қилмоғи керакки, бу улуг кишиларнинг ёқимли хислатларидандир.

● Агар икки кишининг орасида хусумат пайдо бўлса, уларни яраштиришга ҳаракат қил ва бу ишда ҳеч кучингни аяма.

● Агар сизнинг кадр мартабанигиз ортиб, амалга минсангиз, ўзингиздан кичикларнинг хизматини ерда қўйманг ва барча ишларни адолат юзасидан адо қилинг.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

Кўринишхонага жимлик чўкди. Шу палла чап томонда деразадан олисларда қандайдир отнинг, чамаси, кулунини излаб кетма-кет зорланиб кишнагани эшитилди. Амир Темурнинг юраги ортиқди, Хонғулон оти эсига тушиб, негадир ўша от ёнига боргиси келиб кетди...

Ортиқ сўзга ҳожат йўқ эди. Идику ҳали замон таъзим бажо келтириб кетмоқ онлари яқинлашаётганини сезди. Холбуки, у соҳибқирон билан суҳбатлар кўрмоқ, шу баҳонада қудратли амир ишончига кирмоқ, унга яқин бўлмоқ орзусида юрди. Аммо элчиликнинг ўз русуми, чегаралари бор, ундан чиқиб мумкин эмас...

Идику чорасиз қолди. Унинг Сарой-Беркага Амир Темур жавоб номаси билан қайтиши замоннинг икки қудратли подшоиси ўртасида уруш бошланганини билдирар эди.

Кўкаман хожасининг қисик кўзлари қисилиб, манглайи яна ҳам дўнграйиб кетгандай кўринганига боқди-ю, яхши кайфиятда чиқмаганини фахмлади, билан-биланмас, қалин тўқ билан қопланган жигаранг холи бор бурнини жийриб қўйди.

XI

Орадан бир неча ой ўтди. Урусхоннинг Жўжи улусини йиғиштириб Сигноққа келиб тушгани хабари Амир Темур кулоғига етганда, соҳибқироннинг катта кўшини аллақачон Утрогга кириб келиб улгурганди. Сигноқ билан Утрог ораси йигирма тўрт йиғоч¹⁸ йўл чикарди.

Келишган қуни ҳаво булутлигиб ёмғир ёғишга турди, кечаси қорга айланди. Каттиқ совуқ тушиб, ерлар музлади. Тунд об-ҳаво юракларни сиқар, лашкарларнинг суръат кўргизишга хоҳиши ҳам, мажоли ҳам йўқдай эди. Ҳеч ким жанг бошлашга журъат этмасди... Икки кўшин бир-бирига рўбарў саф тортганча уч ой ўтиб кетди.

Нихоят, хут ўрталарида кунлардан бир кун ҳуомон ўрдудан Мубашир баҳодирни беш юз кишига бош қилиб, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир сингари жангари, жасур амирларни кўшиб душманга қарши илғор қилиш ва шабихун уриб боришга фармон берилди. Амир Темур одам ҳаминча кўтлуг яловларга йўлдош эканлигига, бахт-саодат ёрлигига асло шубҳа қилмасди. Тунда шиддатли кенган жанг соҳибқирон лашкарига зафар олиб келди. Душман кўшини парокандаликка юз бурди. Тонг ёришганда Мубашир баҳодир Жўжи улуси шаҳзодаси Темур Малик ўғлонни нишонга олиб ўқ отган эди, ўқ оёқдан ўтиб отга санчилди...

Афсуски, бу қоронгида тусмолдан бўлган жангда Ёруқ Темур билан Хитой баҳодирлар шахид бўлдилар...

Соҳибқирон отни совутмай Тўхтамиш ўғлон гажарчилигида¹⁹ Урусхонни таъқиб қилишда давом этди. Ўн беш кун деганда Жайрон Қамиш мавзеига етдилар. Шу ерда бироз нафас ростилаб турган эдилар, қутилмаганда Урусхоннинг дунёдан ўтгани, ўрнига катта ўғли Тўхтакиё тахтга ўлтиргани ҳақида хабар тарқалди.

Соҳибқирон жангни давом эттиришда маъни қолмаганини англади. Тўхтамиш ўғлонга Дашти Қипчоқ подшоҳлигини бериб, фатху нусрат, эъзозу икром ила пойтахтга қайтди. Бу тарих етти юз етмиш саккиз илон йили бошида, милодий 1377 йил март ойида юз берди.

Бирок, Тўхтамиш ўғлон яна вилоятни қўлида ушлаб қолмади. Отаси улимидан кўп ўтмай вафот этган Тўхтакиёдан кейин кенжа ўғил Темур Малик ўғлон Жўжи улуси тахтига минди. У оёқдан ўтиб отга санчилган ўқ захмини ҳам, аламини ҳам ҳали эсдан чиқармаган эди. Катта лашкар тўплаб Тўхтамиш ўғлон устига Утрогга юриш қилди. Амир Темурнинг тутинган ўғли кўшини пароканда бўлиб, тўртинчи бор валинеъмати олдига қочиб келди...

Турон султони Боғи Баландада қаср олдидаги ҳаворанг шийпонда ўлтирар, кўк

18. Йиғоч — Бир йиғоч салкам олти км.га тенг.

19. Гажарчи — йўлбошловчи, маъносида.

дафтарга туширилган саҳифаларни Мавлоно Убайдга ўқитар экан, келтирилган фикру мушоҳадаларни таҳлил этар, айрим жойларига ўзгартиришлар киритар, аммо ҳаёлининг бир четида Тўхтамиш ўғлон турарди. Табиатга куз нуқси уриб қолган, айни пишиқчилик авжида...

Соҳибқирон бу гал Тўхтамиш ўғлонни хузурига киритишга шошилмади, илк марта Тўхтамиш ўғлонни ўғил тутиб, унга умид боғлаб қилаётган ҳаракатлари нечоғлик тўғри-нотўғри эканлиги ҳақида ўйлаб қолди. Нега бирдан шу ҳақда ўйлаб қолди ўзи?.. Подшоҳзоданинг тақор қочиб келганими? Ҳа, дарвоқе, бунга Мухаммад Чурога додхоҳнинг ушбу ҳикояси ҳам туртки бўлди шекилли... Воқеа бундай бўлган экан.

...Тўхтамиш ўғлон Сигноқ томонлардан қайтганидан кейин ҳеч ким негадир ундан хабар олмади. Гўё уни нутиб юборган эдилар. Одатда Амир Темур дарҳол хузурига чорлар, хол-аҳволини суриштириб, ҳеч нарсани юзига солмай яна кўшин

Амир Сулаймоншоҳ ялт этиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга қаради, у шундай бир машаваҳа чикмасин, деб чўчирди. Подшоҳзода билан амирзода ўртасида азалдан сирка бор бўлиб, вақти-вақти билан бижғиб турарди, буни ҳамма биларди. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмалик билан кўз уриштириб олдилар, Мухаммад Мирак йўқ чап кулоғини силар экан, "Ана, бошланди!.. Бугеи қандай бўларкин?.. " дегандай Мухаммадбек ибн Мусога бақрайган кўзларини тикди... Чамаси, улар икки кўчорнинг бир-бирига калла ташлашларини кўришга ишқибоз эдилар.

Тўхтамиш ўғлон ўзини эшитмаганга олди ва ёрқин кўзларини амирзодага қадаганча талмовсиргандай сўради:

— Нимани... камроқ, дедилар, амирзода жаноблари?... Эшитолмай қолдим...

Ҳамма подшоҳзоданинг амирзода гашига тегиш учун атай ўсмоқчилаётганини сезди. Амир Шоҳмалик подшоҳзода тутумига афсуслангандай қаради, Мухаммад Мирак эса, аксинча, ичиди: "Бопла, азамат!.." деб қўйди.

— У ҳолда... Кулоқларини очиб қўймак керак эркан... — деб юборди ногаҳон Умаршайх Мирзо! Амирзода-нинг чап қўли қилич дастасига бориб қолган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг тиниқ юзлари қизариб кетди:

— Шундоғму?... — базўр жилмайган бўлди Тўхтамиш ўғлон, кейин бирдан хилдий тусга кирди: — Бизнинг кулоғимизни очиб қўядурган... ҳали онасининг қорнида ётибдур...

Умаршайх Мирзога тиг теккандай бўлди! Подшоҳзоданинг гаплари унга ботиб кетди, юмалок юзларига қон тенди. Бағоят ғазабланганидан шарт ўрнидан ирғиб турди-да, қиличини сўзурганини билмай қолди!

Мана, мен очиб қўяман! Очиб қўйиш кўрсатамен сен товукмижоз лапашанга!.. Ҳа-ҳа-а!.. — деб бақирди бирдан.

— Ҳақорат қилмангиз!! — Тишларини гижирлатиб ўшиқди Тўхтамиш ўғлон, у аллақачон қўлида қилич жангга тайёр турарди. — Ҳақорат қилмангиз, деялман!!!

— Ноинсоф! — деди яна Умаршайх Мирзо, унинг жирирақлиги тутиб кетди. — Отилмагон сопқон ҳам бошга тегадур, ҳам кетга!.. Ҳа!.. Неча марта Амир соҳибқирон кўшини созлаб бердилар. Барида ҳам маъракаи майдондан тиррақи эчкидай шаталоқ отиб қочиб қолдинг! Уят борму?... Тағин қўшин кам берилди, деб нолийсен! Номуси йўқ, инсофсиз! Кўрқоқ!..

— Бу гапларни кимга сўйлаётирсиз, ҳей амирзода! Уйлаб гапирингиз! Билин-гизки, мен подшоҳзодамен, Чингизхон авлоди! Буни эсингиздан чиқармангиз!.. Эсингиздан чиқармангиз!! Индамаса гапираверасизму?..

— Подшоҳзодалигинг бир диҳрам, билдингму?... — қайтмас эди Умаршайх Мирзо. — Сеннинг ландовурлигинг туфайли Амир Улжайту опардий, Шодравон найман, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир каби шерюраклар, афсуски, нобуд бўлдилар. Тўртта навкарни бошқара олмагон сендай подшоҳзодани қара-ю! Таъзирингни ёйсан энди, нодон!

— Пешонасида шундоқ ёзилган! Менда не айб? Менда не айб?... ўзини оқлар эди Тўхтамиш ўғлон. — Йе!.. Ҳали мен нодонми?... Нодонлигини бир кўрсатиб қўйай сизга!

Унинг аламли овози чинқариб эшитилди.

Икки кўчорчалар бир-бирига хезлани кела бошладилар. Ҳар икисининг ҳам қўлида қилич йиноклар эди. Аввал Умаршайх Мирзо қиличи ярақлади, кейин Тўхтамиш ўғлон намойишқорона қиличини кўтариб жангга шайланди.

— Ҳай-хай! — қичқирди хайратда Амир Сулаймоншоҳ. — Тўхтаңгизлар!

— Ундок қилмангиз! — арашди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. — Айб бўладир! Айб бўладир!..

— Маъзур тутингиз... Сизларга асло ярашмайдур, амирзодам! — уялтиришга уринди Амир Шоҳмалик. — Асло ярашмайдур...

Ўзбек адаблари — "Оқшом" учун

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУФ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ
ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

берар, сафарга йўлларди. Аммо бу гал тўрт кун ўтди, ҳали ҳеч қимдан дарак йўқ.

Тўғри, Мухаммад Мирак бу келиб кетди, аммо ундан не наф?... Подшоҳзоданинг юраги сиқилди. Энди соҳибқирон ёрдам бермасмикан? Тўхтамиш ўғлондан кўнгли қолдимикан?... Уч марта қўллаб-қувватлади, аммо не қилсинки, омад юз ўғирди. Энди бу ёғи нима бўлади?... Кеча Мухаммад Чурога додхоҳни кўриб қолиб, бутун номаи аъмолини сўзлаб берди, зинҳор чўчитиш учун айтмаётганини, бу аҳволда ўзини бир нима қилиб қўйиши мумкинлигини таъкидлади. Йиғламсираб, агар соҳибқирон хузурига чорласалар, оёёига йиқилиб узрлар сўрашини ургулаб гапирди... Чиндан ҳам унинг аҳволи ночор эди.

Мухаммад Чурога додхоҳ "Худо пошшо эгам..."дан бошқа ҳеч нарса демасди...

Орадан яна икки кун ўтгач, бирдан Тўхтамиш ўғлонни тенқурлари Боғи Нақши жаҳонга меҳмонга тақлиф этишди, кўнгили сўраб, Жўжи улуси хони билан савашиш тафсилотлари ҳақида саволлар беришди. Подшоҳзода мартабасидан паст туғиши келмай, ўзини гўё ҳеч нарса юз бермагандай тутди, кейин хотиржамлик билан жанг жуда оғир кечганини, душманининг кўшини ўн чандон қўплгичини, шунингдек, ёғий номерларга хийла ишлатганини, даставвал камгина кўшин билан жангга кириб бироз фурсат ўтгач, қочиб қолганини, буларнинг эса улар кетидан қувганликларини, оқибатда пистирмага тушиб қолиб, лашкар қирғинга учраганини гапириб берди.

Охирида унинг лашкари душманникидан кўра чўғи паст эканлигини, агар навкарлари икки минг эмас, ўн минг бўлганда, душманни бемалол енгиши мумкинлигини ҳам афсус билан гапга қистириб ўтди...

Тўхтамиш ўғлонни тишини тишига қўйиб эшитиб ўлтирган Умаршайх Мирзо шу ерга келганда ўзини тутолмай қолди.

Умаршайх Мирзо асли подшоҳзодани биринчи кўрган куниданоқ ёқтирмаган эди. Унинг кўнглида, такаббур ва калондимоғ, устомон подшоҳзода Турон салтанатига ҳеч ҳам суд қилмайди, фақат зиён келтиради, деган фикр мўқим туриб қолди. Тўхтамиш ўғлоннинг кейинги қадамлари, кетма-кет қочиб келишлари тобора амирзода фикрининг тўғрилигини кўрсатарди. У шундай одамга ишониб қолганидан падари бузрукворига ачинар, айтгай пеза андиша қилар, подшоҳзодага эса пинҳона нафрати ортиб борарди.

— Сизга кўшин... камроқ берилгон эрканму, подшоҳзодам?... — заҳархандалик билан чўзиброқ сўради Умаршайх Мирзо... У қўйники сингари кўзлари қисилганча Тўхтамиш ўғлонга қараб турарди.

Шурфа олам**МАГНИТ
БЎРОНЛАРИ
ОРҚАЛИ
ФойДА**

Любексдаги (ГФР) «Левенброй» пиво барининг хўжайини Ганс-Вернер Раушенбах магнит бўронларини ҳам «сотиб» фойда олишга қарор қилди.

У магнит бўронлари кутиладиган кунда барга келувчи ҳар бир кишига маккор бўронга қарши курашиш воситаси сифатида бир кружкадан бепул пиво беришни эълон қилган. Орадан икки ой ўтар-ўтмас савдо кўплигидан буютиблармон киши ўз сармосиясини деярли икки ярим баравар кўпайтириб олган. Чунки бир кружка пиво ичишни хоҳловчи ҳамшаҳарларини қониқтирмаслигини жуда яхши билган, деб хабар беради «Шпигель» журналі.

**КАРКИДОН
УСТИДАГИ
«РИЦАРЛАР»**

Ҳиндистоннинг Удайпурс шаҳрида ажойиб мусобақа бўлиб ўтган. Мусобақа қатнашчилари каркидон устида ўтиришлари керак бўлган. Каркидонлар жуда агрессив бўлишгани учун жури майдонга битта чавандозу битта каркидондан туширган. Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга ришарлар кийимига ўхшатиб пластмасса ли ниқоб кийгизишган. Йигирма икки ёшли фермер Краванкер Найду голиб деб топилган. У каркидон устида олти ярим минут ўтира олган, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

ЁНУТ

Сўнгги йилларда жониворлар спортга актив жалб этилмоқда. Айиқларнинг муз устида чаққонлик билан чавгон ўйнашига, итлар эса футбол ўйини кўрсатишига бугунги кунда ҳеч ким ажабланмайди. Лекин америкалик ҳайвон ўргатувчи Крис Шовер бундан ҳам галати ишлар қилиб, ўрмонда яшовчи жониворлардан баскетбол командаси тузмоқчи бўлди. Бу борда дастлабки қадам ҳам қўйилди. Пихтун деган ёнот — айиқсимон ҳайвон ярим йиллик «машқ»дан кейин коптокни баскетбол ҳалқасига жуда мўлжаллаб туширадиган бўлди. Бундан ташқари, Шовер команда составига кундуз ва сувсарни ҳам қўшмоқчи.

Ўзбекистон ва жаҳон

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида коллеж ва лицейлар куриш ҳамда уларни энг замонавий техникавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

**КЕЛАЖАК УЧУН
“САРМОЯЛАР”**

Бир неча йил муқаддам Япония Халқаро ҳамкорлик банки “Ўрта-маҳсус хунар таълимини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 59 миллион АҚШ доллари миқдорига япон валютасидаги имтиёзли кредитни ажратган эди. Ҳозирги пайтга қадар мазкур лойиҳа доирасида 50 та касб-хунар коллежи курилиши ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, замонавий ускуна жиҳозлар сотиб олинди, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил қилинди.

— Ўзбекистон ҳукумати ва республиканинг барча манфаатдор ташки-

лотларининг ҳар томонлама кўллаб-қувватлагани туфайли ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга имкон яратилди, — деди “Sumitomo” корпорацияси томонидан лойиҳа менежери Такаши Ямамото. — Тез орада бизнинг кўмагимиз билан барлоп этилган коллежлар республика халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассислар етказиб бера бошлайди. Яна шунини таъкидлашни истар эдимки, Ўзбекистон мамлакат келажиги бўлган ёш авлод маърифати йўлида катта маблағ сарфлаётган кам сонли мамлакатлар сирасига қиради.

**ЯПОНИЯ ИМПЕРАТОРИ
БИЛАН УЧРАШУВ**

Император қароргоҳидаги таомилга мувофиқ, Япония Императори мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарларини анъанавий тушлик зийфатида таклиф этади. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги дипломатлар билан учрашувда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси М.Очилов Император Акихито томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон элчиси билан мулоқот чоғида Император Акихито республикамиздаги барқарор вазият ҳамда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражаси ва унинг ўсувчанлигидан мамнуният изҳор этди. У Ўзбекистон тўқимачилик саноатига япон тадбиркорлари томонидан киририлган йирик сармоя лойиҳаларидан хабардор эканини қайд этар экан, Японияга олиб келтириладиган ўзбек пахтаси ва ипагидан тайёрланган махсулотлар кўпайишига умид билдирди.

Император Акихито мамлакатимиз элчисини Аичи шаҳрида очилган «ЭКСПО-2005» умумжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон Республикаси экспозицияси кўргазманинг бронза нишонига сазовор бўлгани билан қутлар

экан, келгуси ойда император оиласи ўзбек экспозициясини бориб кўриш ниятида эканини маълум қилди. Япония Императори республикамиз ҳудудида будда ёдгорликларини археологик тадқиқ этишда кўрсатилмаётган ёрдам ва савий-ҳаракатлари учун Ўзбекистон ҳукуматиға миннатдорлик билдириши баробарида яқинда ўз мамлакатига ўтказилган «Буюк Ипак йўли ва унинг мероси» кўргазмаси муваффақият қозонганини ҳам қайд этди.

Япония Императори Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовға муваффақиятли давлат бошқаруви фаолиятида ўзининг энг эзгу истаklarини, соғлиқ ва фаровонлик тилашини етказишни сўради.

**«ФАРҲОД ВА ШИРИН» АРАБ
ТИЛИДА**

Мисрда буюк бобокалонимиз, ғазал мулканиннг султони Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи насрий шаклда араб тилида чоп этилди. У Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида Қоҳирада нашр қилинди.

«Ўзбекистон ҳикоялари: «Фарҳод ва Ширин» деб номланган ушбу китоб буюк бобомиз қаламига мансуб дostonининг мазмун-моҳиятига монанд гўзал ва бетакорур суратлар билан безатилган. У Миср Аҳборот вазирлигининг 2005 йилга мўлжалланган «Узоқ юртлардан ҳикоялар» дастури доирасида мисрлик таниқли журналист Фатҳий Али ас-Сайиҳ му-

ҳаррирлигида чоп этилди.

Фатҳий ас-Сайиҳ томонидан араб ўқувчиларига тақдим этилган асар муқаддимасида Ислон уламолари юрти бўлимиш Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк мутафаккирлар ўз ҳаёти ва ижоди билан нафа-

қат Ислон маданияти ривожига, балки физика, адабиёт, астрономия, тиббиёт ва кимё сингари кўплаб илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланади.

Шунингдек, асар муқаддимасида Ўзбекистоннинг жўғрофий жойлашуви, иқлим шароити, маъмурий таркиби, тарихи ва ҳозирги кунини, республикамизнинг дунё давлатлари билан олиб бораётган ҳар томонлама ва тенг ҳуқуқли алоқалари, Президент Ислон Каримов етакчилигида юритилаётган самарали, мустақил ички ва ташқи сиёсат ҳақидаги маълумотлар ҳам атрофлича ўз ифодасини топган.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида таёрланди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент
Солиқ коллежи ўқитувчилар таркибига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва илмий педагогик иш стажига эга бўлган Ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар кафедрасига бош ўқитувчи, Иқтисодий фанлар кафедрасига бош ўқитувчи, Умумтаълим фанлар кафедрасига бош ўқитувчи, шунингдек (она тили ва адабиёт, рус тили, инглиз тили, тарих, математика, физика, кимё, биология, иқтисодий география, астрономия, жисмоний тарбия), умумқасбий ва касбий фанлари-

дан (молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, солиқ тизими асослари, автомобиль тайёргарлиги, компьютер тармоқлари ва уларнинг дастурий таъминоти 4 та, тарих, рус ва ўзбек тилларида дарс бера оладиган, ижтимоий гуманитар фанлар 2 та, ҳуқуқий фанлар 2 та) фанлари бўйича юқори малакали мутахассис, коллежда ишлашга салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.

ТАНЛОВГА ТОПШИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР:

- Коллеж директори номига ариза;
- Талабгорнинг тўлдирилган шахсий варақаси;
- 4х6 ўлчамли 4 дона рангли расм;
- Таржимаи ҳол;
- Охириги иш жойидан хизмат тавсияномаси;
- Олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

- Илмий даражага эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Босмадан чиққан илмий ишлари ва кашфиётлари рўйхати.

Ишга қабул қилинганлар солиқ хизмати ходимлирига белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, С.Юсупов кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 75-75-53; 75-38-86; 75-64-47.

**Наби Фаниев номли Тошкент кино-видеотехника
касб-ҳунар коллежи**

2005-2006 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф қилади:

- 1) Кино-видеотехника.
 - 2) Радиоалоқа ва телевидение жиҳозларини созлаш.
 - 3) Саҳна тадбирларига техник хизмат кўрсатиш.
 - 4) Бухгалтер-аудитор.
- Тулов контракт асосида 11-синф ҳажмида (ўқиш муддати 2 йил, ўқиш шакли кундузги).

- 1) Кино-видеотехника.

- 2) Бухгалтерия ҳисоботи.
 - 3) Иқтисод ва режалаштириш.
- Кўшимча маълумотни: 46-04-00, 46-13-13 телефонлари орқали олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, 2-Чимбой, 96.

28, 34, 90, 87, 131-автобуслар, 2, 4-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

Спорт

ЁШ КУРАШЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Литванинг Вильнюс шаҳрида эркин ва юнорум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақаларига якуни ясалди.

Албатта, ёшлар ўртасида энг нуфузли бундай мусобақалар бўлгуси иқтидорларга йўл очади, улар маҳоратини чархлайди. Хамюртимиз, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган, ҳозирда терма жамоамиз етакчиси Дилшод Мансуровнинг муваффақиятлари ҳам фикримиз далилидир. Ҳозирда етакчи эркин ва юнорум кураши усталаримизнинг ортидан улар тажрибаларидан баҳраманд бўлган ҳолда кўплаб умидли полвонлар етишиб чиқмоқда.

Бу гал ҳам жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган умидли ёшлар баҳсида хамюртларимиз муносиб иштирок этиб, биттадан олтин, кумуш ва бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

Жумладан, 50 килограммгача вазнда Элбек Тожиев барча рақибларидан устун келиб, ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олган бўлса, 55 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида Шерали Шодмоновга кумуш нишонлар насиб этди.

60 килограммликлар ўртасида Фарход Уразимбетов учинчи ўрин билан кифояланди.

ФИНАЛ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шаҳримизда уч кун давомида ёшлар ўртасида пневматик қуролдан отиш бўйича Ўзбекистон биринчилигининг финал баҳслари бўлиб ўтди.

Техник ва амалий спорт турлари бўйича Республика маркази ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақаларда республикамиз вилоятларидан келган кўплаб ёш, умидли спортчилар ғалаба учун кураш олиб боришди.

ВП-6, ВП-4, ПП-3 ва ПП-2 тоифалари бўйича бўлиб ўтган баҳсларда Азиз Муҳаммадраҳимов, Андрей Журавлев, Сакина Мамедова ҳамда Мария Тепловалар ғалаба қозонишди.

Умумжамоа ҳисобида 1792 та очко жамгарган Андижон вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар 2596 Улувбек туманидаги Мир-мактаб томонидан 2003 йилда Юсупов Зафар Рустамович номига берилган О'Р-А № 1425302 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ёш — қўнмоқда соғ

ҲОРАҚ ЧИҚАРИБ, ҲУНАР ЎРГАНИШАДИ

Республика Халқ таълими вазирлигининг шу йил 31 мартдаги «2005 йил ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини ташкил этиш бўйича халқ таълими муассасаларининг вазифалари тўғрисида»ги 73-сонли буйруғи ушбу соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклади.

Биргина Юнусобод туманида мазкур буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида 97, 246, 258-ўрта умумтаълим мактаблари қошида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари ташкил этилди.

Тумандаги ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида эса ёзги таътилни унумли ўтказётган мазкур мактабларнинг қобилият, истеъдодли ўқувчилари ўзларининг касб ва ҳунар эгаллашга бўлган қизиқишларини мураббийлар сабоғи, билим ва кўрсатмалари орқали мустақамлаб боришмоқда.

— Бизнинг мактабимиз ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида ёш техниклар маскани сифатида ташкил топган, — дейди марказ директори Роза Турсунова. — Би-

лим ва ҳунар масканимиз ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказиш борабаридан бирор ҳунар эгаллашга бўлган интилишларини таъминлаш ишларини амалга оширади. Ҳозир бизда 5 та йўналиш доирасида 150 та гуруҳга 1486 та ўқувчи аъзо бўлишган.

Албатта, келажгимиз ворисларининг интеллектуал салоҳиятининг ошишида мустақам билим, етарлича кўникма билан бир қаторда касб ва ҳунар эгаллашининг ҳам ўз ўрни мавжуд. Бунга яхши англаб етган ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказининг ўқитувчи-мураббийлари тўғрақ аъзоларига техник, техник-спортчи, спорт, бадий (наққошлик, гул ясаш, дизайн, кашта ти-



киш), йўналишлари борасида пухта билим берадилар. Шу билан бир қаторда ўқувчилар махсус синфларда инглиз тили, савдонлик, ёш ҳамширалик сирларини ҳам ўрганишлари мумкин.

Биз мазкур марказга борганимизда оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқараётган болажонлар ўртасида «Уйлар мамлакатига» деб номланган беллашув ўтказилаётган экан.

— Бундай тадбирларни ҳар ҳафтада 2 мартадан уюштиришни йўлга қўйганимиз, — дейди марказ услубчиси Раъно Аскарова. — Айниқса, ўқув режасига асосан ўтказилиб келинаётган «Шарқ бозори», «Сув шоҳи», «Кувнок одамчалар», «Ёш автомобилчи», шахмат-шашка мусобақалари оромгоҳларда дам олиб, бизнинг техник ижодиёт марказимизга меҳмон сифатида ташриф буюрувчи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қизгин мусобақа, шўх ўйин-кулгударга бой тарзда ўтган ушбу беллашувларда болажонлар ўзларининг нималарга қодир эканлигини амалда намойиш этишди.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Роза Турсунова олган суратлар.

Тамаки чекадиган одам хоҳ эркак, хоҳ хотин-қиз бўлсин, енгилтақлик қилибми, иродасизлигиданми ўз умрини ўзи қисқартиради. Зеро чекиш турли хилдаги касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ўзига хос туртки ҳисобланади. Тамаки тутуни меҳнат унумдорлигига, кишиларнинг меҳнат қобилиятига, иш вақтидан самарали фойдаланишига салбий таъсир кўрсатади.

Муносабат

ТАМАКИ — УМР ЗАВОЛИ

Айрим талаба-ёшларимизнинг ҳеч қимдан ҳадиксирамай, беларволик билан бемалол ситарета чекаётгани газабимизни кўзгайди. Улар ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўраётганликларини, ҳам соғлиқларини йўқотаётганликларини наҳотки билишмасан?! «Бир донга тамаки ёки бир томчи никотин отни ўлдиради!» деган даҳшатли ибора бекорга пайдо бўлмаган-ку?!

Ўқувчиларда шартли рефлекслар ҳосил бўлиши туфайли чекканда ёқимли хис пайдо бўлади — гўё кучга-куч қўшилгандек, роҳат қилгандек, чарчоғи таркалгандек, кайфияти кўтарилгандек, қандайдир иш қобилияти ортгандек туюлади. Кашанда чекар экан, ўзича роҳатланиди. Айни шу кунларда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар замирида талаба-ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши, уларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб олинган, албатта. Шахс авваламбор оилада камол топади.

Менимча, ҳар бир ўғил-қизимиз ёшлғидан гўзаллик фақат ташқи суратдир, деган тушунчадан йироқ бўлиб, аксинча, ички одоб, ахлоқ, ибод,

ҳаё, тарбия, яхши хулқ каби фазилатлар инсонни янада гўзаллаштиришини, бу гўзаллик эса ҳеч қачон ўзгармаслигини, у камол топиб, асрлар оша умр кўришини, инсон умридан ҳам узоқ яшашини тушуниб етсалар айни мудоаа бўларди. Ёшлик-инсон умрининг пойдевори. Ана шу умр бизномиз қуламаслиги учун ёшомиздан ахлоқ, одоб, меҳнат йўлига кириш. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам, шу йўлдан бориш. Мана шу йўл Сиз, азиз ёшларни бахтга, абадий гўзалликка етаклаши шакл-шубҳасиздир.

Президентимиз томонидан 2005 йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинганлиги эл-юрт фуқароларининг соғлигини мустақамлашга, уларнинг турмуш шaroитларини янада яхшилашга қаратилган. Инсон ҳаёти, унинг бахти ҳар нарсадан устун эканлиги амалда тасдиқланди. Бас, шундай экан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, гивандлик, СПИДга, ичкиликка ва тамаки чекишга қарши астойдил курашайлик-да, ҳаётимиз, бахтимизнинг янада соғлом ва гўзал бўлишига эришайлик!

Севара ШЕРАЛИЕВА

Мунажжим башорати

ЁҚИМЛИ ХАРИДЛАР КУНИ

2005 йил 14 июль, пайшанба

Бугунги пайшанбада Ой сайёрасининг Тарозу буржида бўлиши одамларни бир мунча сертавозе қилиб қўяди. Улар мунозарали масалаларни муро-са йўли билан ҳал қилишга интилишади. Энг мураккаб муаммолар бугун энг матлуб ечимини топади.

Кўёш тақвими бўйича мазкур пайшанбанинг рамзи ҳамён ва муқаддас халта бўлиб, шунинг учун ёқимли харидлар ва совғасаломлар кун ҳисобланади. Бугун, шунингдек, хизмат сафарига йўл олиш ҳамда тижоратга оид битимларни тузиш учун ҳам хайрли кун ҳисобланади.

Мунажжимлар бугунги кунни яна хурсандчилик, ҳазил-мутўй-иба ва ўйин-кулги кунни, ҳаётга муҳаббат кунни деб ҳам таърифлашган. Бугунги кун ўт-олов билан темир билан ишлаш учун, кишлоқ хўжалик ишлари учун, кузги экинларни экиш, пайванд ишлари билан шугулланиш, ҳосилни йиғиштириш учун хайрли ҳисобланади. Пул билан бўладиган муомалалар, қарз бериш ёки олиш, сафарлар учун омадли бўлмайди.

Албатта фарзандларингиз билан бирга бўлишга вақт ажратинг. Уларнинг гапларига қулоқ солинг, унча-мунча инжиқликларига нисбатан сабр-қаноатли бўлинг. Бугун уйлари кўтариш, ўзингизни поклаш, у ёқ-бу ёқларни йиғиштириш, керакмиз нарса ва буюмлардан халос бўлиш фойдали бўлади.

Мабодо, бугун қайноқ сувда

қуйиб қолсангиз — бунни пок-ланиш белгиси деб қабул қилинг. Шунингдек, устингизга барг тушиши, тушингизга кирган ўтул-ланлар, дарахтлар яхшилик аломати ҳисобланади. Тўсатдан чирокнинг ўчиб қолиши, электр лампасининг қуйиши, шунингдек дарахт, қамчиннинг синиши но-хушликлардан огоҳлантириш бўлади.

Бу кеча мевалар ва ўсимликлар билан боғлиқ барча тушлар хайрли бўлади.

Саломатликка келсак, турли аъзоларнинг ялғиланиш жараёнлари ҳужуж қилиши, пешоб йўллари заифлашиши ва ҳиссий беқарорлик кузатилади.

Оқ, сарик ва олтинранг кийимлар бугунги кун руҳига мос келадди. Қорамтир ва жигарранг либосларингиздан воз кечинг.

БУГУН:

— анча олдин бошлаган ишларингизни давом эттириш;

— кийим, пойабзал ва шунга ўхшаш узоқ вақт хизмат қиладиган буюмларни харид қилиш;

— экинзорларда ҳўякларга ўғит сепиш, эгاتларни қумштиш;

— турар-жой ва маиший муаммоларни ҳал қилиш;

— омборхона, ертўла, бостир-маларни ҳамда хўжалик ишларига мўлжалланган бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш;

— ҳамкасблар ва дўстларингиз билан ўзаро тажриба ва билимларни алмашиш тасвсия қилинади.

Ташаббускорлик ва тажовузкорликни намойиш этиш тақиқланади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-93, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-36.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нускада босилади. Қозғоқ бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёти-матбаа оқишдорлик компанияси босямоноси. Қорхона манзили: «Булоқ Тур» кўчаси, 41-ўй.